

Мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилот ва корхоналарга ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул килиш хизматлари буйича  
ШАРТНОМА № 2

Г. Девир ш

« 5 » Июль 2022 йил.

Бухоро вилоят «Сувокава» ишлаб чиқариш бошқармаси, кейинги ўринларда «Сувокава» деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Н. Соҳибов номидан, бир томондан ва БҲХ-Ғуво. 13-қўғуми (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади, Ўзининг Истеъмолчи (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Насов Н. (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

- 1.1 «Сувокава» «Мижоз»га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул килиш мажбуриятини уз зиммасига олади, «Мижоз» уз урнида амалда кулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада кайд этилган шартлари буйича «Сувокава»га хизмат туловларини уз вақтида тулаб бериш мажбуриятларини олади
- 1.2. Мижоз томонидан оқава тармогида ташланган оқава сувлар микдори, ичимлик суви тармогидан сарф қилинган сув микдорига тенг килиб қабул қилинади
- 1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул килиш буйича томонларнинг ҳуқуқларига мажбуриятлари амалдаги «Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва оқава сувларни узатиш тизимларидан фойдаланиш қоидаларига (матн давомида «Қоидалар») ва ушбу соҳадаги Уз.Р.нинг бошқа меъерий ҳужжатлари асосида аниқланади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Сувокава»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Мижоз»ни шаҳар сув ва оқава сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билаи таъминлайди ва оқава сувларини узатади. Коммунал тармогидан фойдаганиш чегараси «Мижоз»нинг шаҳар ичимлик сув ва оқава сув узатиш тармоғига уланган жойидир.

2.1.2. «Мижоз»нинг тармокка уланган жойигача бўлган ичимлик сув ва оқава сувларни узатиш тармоғини таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгиланиш ҳамда халокатларни барча сув оқувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шаҳар сув ва оқава сув тармоғида таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни олиб борилаётган ҳолларда ҳамда тулов ҳужжатларни туланмаган ва ушбу Шартноманинг шартлари «Мижоз» томонидан бажарилмаган ҳолларда «Мижоз»ни олдиндан огоҳлантириб, ичимлик сувни бериш ва оқава сувни қабул қилишни тухтатади.

2.1.4. Қуйидаги ҳолларда «Мижоз»га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва оқава сувларни узатиш тула ёки қисман тухтатади:

- «Сувокава» корхоналарида электр қуввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий офатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоғида кучли халокатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан уланиб олганда;

2.1.5. Шартномада илова қилинган «Мижоз»нинг сув тармоғини ва иншоотларини лойихасига асосланиб «Мижоз»нинг ички сув улчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради ва уларнинг тугри техник фойдаланиш ва сақланиш шартларни амал қилинишини талаб қилади.

2.1.6. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичларини ва уларнинг муҳрларнинг сақланишини ва бутунлигини кузатиб боради.

2.1.7. Истеъмолчиларнинг гуруҳларига қараб етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида тулов ҳужжатларини тақдим этади.

2.1.8. «Мижоз»га ичимлик сувнинг ва оқава сувларни қабул қилиш тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал қилиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

2.1.9. «Мижоз»га амал қилиш учун курсатмаларни ва «Мижоз»нинг вакили билан тасдиқлаши зарур бўлган далолатномаларни тақдим этади. «Мижоз» юқорида айтилган ҳужжатларга қул қуйишдан бош тортса у ҳолларда тушунмовчилик баенномаси тузилади ва у Хужалик судига қуриб чиқиш учун белгиланган тартибда топширилади.

2.1.10. Бюджет ташкилотларни бир йил давомида молиялаштирилган лимитлари билан белгиланган 10,31 м куб микдорда ичимлик суви етказиб беради, ҳамда \_\_\_\_\_ м куб микдорда оқава сувларини қабул қилади.

2.2. «Мижоз»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Хар ойнинг 20-25 чи саналари ичида ҳисобот «Илова 1» тақдим этади ва «Сувокава»нинг ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш хизматлари учун амалдаги тарифлар асосида хар 1 метр куб ичимлик суви учун 3862 Сум 25 тийин ва 1 метр куб оқава сувларни қабул қилиш учун \_\_\_\_\_ сум \_\_\_\_\_ тийин ва ушбу шартнома буйича бошқа туловларни уз вақтида тулаб боради.

2.2.2. Узига тегишли сув қувурлари оқава сувларини узатиш тармоғининг ва иншоотларнинг техник ҳолатини ва фойдаланишини керакли равишда назорат қилади ва уз ҳудудда ичимлик сувининг барча турдаги оқувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф қилиш учун тегишли тadbирларни амалга оширади.

2.2.3. Шаҳар сув билан таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, «Сувокава»дан белгиланган нархда Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғининг лойихасини ва узига тегишли шаҳар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашини тақдим этади.

- «Мижоз» шаҳар сув еки оқова сувларни узатиш тармоғига уланиш еки ундан узилиш харажатларини уз зиммасига олади.
- 2.2.4. Сув улчаш йигмасини (сув улчаш ва учирини асбоби) хар бир шаҳар сув тармоғига уланган кувурига Коида асосида кулай ва химояланган жойга урнатади. Сув улчагич йигмаси «Мижоз»нинг хисобидан харид килинади ва унинг зиммасига юкланади. Сув улчагич курилмаси ва унинг ҳолати буйича жавобгар хисобланади
- 2.2.5. Сув улчагич йигмасидаги муҳрларнинг сақланишини назорат килади ва бузилган еки сув улчагич ишдан чиккан ҳолларда «Сувокава»га уч кун давомида езма равишда хабар беради. Сув улчаш асбоблари «Ўзстандарт» органлари еки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан текширилишини ва муҳрланишини, ҳамда доимий текширувидан утишини уз хисобидан таъминлайди
- 2.2.6. Сув улчаш асбобини таъмирлаш еки алмаштириш ва текшириш мақсадида ечиб олишдан олдин «Сувокава»га хабар беради ва унинг вакили билан сув улчагични охириги курсатмаларни тасдиқлайди.
- 2.2.7. «Сувокава» вакилини сув улчаш асбоби урнатилган жойини ва сув тармоғини куздан кечирини таъминлаши шарт.
- 2.2.8. Уз худудидаги сув тармоғини лойиҳасини узгаришини ва суб-мижозларнинг уланган ҳолларини «Сувокава»га хабар беради ва уларни алоҳида сув улчагич асбобларни ва «Сувокава» билан тегишли шартномани тузишни талаб килади.
- 2.2.9. Шаҳар сув тармоғига ноқонуний улангани ва уз худудидаги ичимлик суви билан беҳисоб сарфлангани учун «Ичимлик сувидан ва оқавдан фойдаланиш коидалари» асосида жавоб беради
- 2.2.10. Хар ойнинг 20-чидан то 25-гача хисобот ойида сарфланган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан ва муҳрланган равишда тасдиқланган Далолатномани «Сувокава» га топширади. Далолатномани белгиланган вақтда етказилмаган еки берилган маълумотлар камайтирилган ҳолларда ичимлик сув сарфи даври учун шартноманинг 3.2. бандига асосан хисобланади.
- 2.2.11. Бюджет ташкилотлари ичимлик сув туловлари учун белгиланган моддий лимитларга амал килиши шарт ва уларнинг тулови ойма-ой туланиши лозим. Бюджет ташкилотлари томонидан лимитдан ташқари сувдан фойдаланиш туланмаган ҳолларда «Сувокава» сув етказиб беришни тухтатади.
- 2.2.12. Уз қарори билан ички сув етказиш тармоғига, иншоотларига ва сув улчагич асбобларига жавобгар шахсни белгилайди ва у тугрисида «Сувокава» га уз вақтида маълумот беради.

### III. ХИЗМАТ ҲАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

- 3.1. 1 метр куб ичимлик сувининг нархи 3862 Сум 25 тийин ва 1 метр куб оқова сувларни қабул килиш учун 39897 сумва 04 тийин ушбу шартнома хисобланади.
- 3.2. «Истеъмолчи»ни 2022 йил давомида бюджетдан ажратилган маблаг доирасида белгиланган \_\_\_\_\_ м.куб \_\_\_\_\_ сўм миқдорда ичимлик суви билан таъминлайди ва \_\_\_\_\_ м.куб \_\_\_\_\_ сўм миқдорда оқова сувларини узатиш хизматларини, жами \_\_\_\_\_ сўмлик хизматлар курсатади. Агар мазкур келтириб утилган миқдордан ошиқча ичимлик ва оқова сувлари сарф қилинса, бюджетдан маблаг олувчи ташкилот узининг махсус хисоб-рақамидан туловни амалга оширади.

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджет хисобидан тулов	39897,04				39897,04
М Куб миқдорда	10,33				10,33

- 3.3. Сарфланган сув учун хисоб-китоб «Мижоз»нинг сув улчагич курсаткичлари асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиккан бўлса, биринчи ой сарфланган сув миқдори охириги уч ой даврда булган уртача ойлик сарфи буйича белгиланади. Агар бир ой давомида «Мижоз»нинг сув улчагич йигмаларида носозлик еки муҳрнинг йуқлиги (бузилганлиги) бартараф қилинмаган бўлса, ичимлик суви сарфи кувурнинг кесими буйича кунлик сарф қобилияти асосида шартноманинг 3.2. бандига келтирилгандек хисобланади.
- 3.4. Уланган кувурнинг кесими буйича қулик сув сарфи қуйидаги формула буйича хисобланади:  $Q=2,65 \times t \times H$ , бунда F- кувурнинг кундаланг кесими майдони (мм<sup>2</sup>) t-вақт, P-сув босими (м). Бюджет ташкилотлари учун кувурнинг кесими асосида хисобланган сув сарфи хар куни 24 соат белгиланади.
- 3.5. «Сувокава» «Мижоз»га ичимлик суви етказиш ва бошқа хизматлари учун тулов варақасини 30(уттиз) кундик муддат билан тақдим килади. Тулов миқдори хисобот ойнанинг 15% миқдорда олдиндан тулаган ҳақ сифатида узида мужассам этади. Қарздорлик мавжуд булган ҳолларда хар чорак, зарурият булганда, хар ой қарздорлик буйича далолатнома тузилади. «Мижоз» уз вақтида сув сарфи учун берилган тулов варақасини ва қарздорликни далолатнома асосида пул утказиш еки нақд пул орқали тулаб боради. Курсатилган муҳлатда пул утказилмаган тақдирда, хар бир туланмаган кун учун қарз миқдоридан 0,4% жарима бюджет ташкилотининг махсус хисоб-рақамидан ундирилади, аммо 50% умумий қарздан ошмаган ҳолда.
- 3.6. Мазкур шартноманинг 2.2.6-2.2.9. бандлари бузилган тақдирда «Сувокава» Ғазначиликнинг тегишли бўлинмасига хабар килади (телефон еки хат орқали) ва Ғазначиликнинг тегишли бўлинмаси ходими ҳамда «Мижоз» билан тегишли далолатнома тузилади ва бир ойлик ичимлик суви сарфи шартноманинг 3.2. бандига асосан жарима сифатида хисобланади.
- 3.7. Белгиланган муҳлатда «Мижоз» томонидан туловлар амалга оширилмаган тақдирда, огоҳлантириш хати юборилади, «Сувокава» «Мижоз»га етказишни тухтатади ва Хужалик судига даъво аризаси билан мурожаат килади. Сув етказиш «Мижоз» томонидан «Сувокава» қарзларини тулик амалга оширгандан сунг, еки езма равишда қарзларни тулаш зиммасига юклантирилгандан кейин қайта тиклантирилади.

3.8. «Сувоқава» билан шартнома тузган «Мижоз»нинг ички сув тармоғига бошқа истеъмолчилар гуруҳига карашли суб-мижозлар уланган ҳолда, ушбу суб-мижозлар билан сув сарфи ҳисоб-китоб алоҳида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида олиб борилади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБИ АРЛИГИ

4.1. Томонлар уртасида келишмовчилик ва низолар узаро келишилган ҳолда ечимини дозим, ечимини топмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида суд органларига мурожаат қилишлари мумкин.

4.2. Томонлар уртасидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам, улар келтирилган зарар ва узаро қарздорлик жавобгарлиги тан овоз қилинмайдилар.

4.3. Шартноманинг бажарилмағани ва шартномада ақс эътирилмаган масалаларини ҳал қилишда томонлар «Қоидалар» асосида иш юригадилар.

#### V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Мазкур шартнома 2022 йил «20» январ дан 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади.

5.2. Мазкур шартнома икки нусxada тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

5.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-Мажор ҳолатларида

#### VI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

6.1. Мазкур шартнома икки нусхадa тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 794-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирган)

#### ҲИСОБ-КИТОБ

Сув улчагич ишлаганда сув ҳаржати миқдори сув улчагичнинг курсаткичига қараб ҳисобланади. Агар сув улчагич ишламаганда эса бир ой муҳлатдан кейин қирин сув қувурининг диаметри билан 1,5 м/секунд тезликда 12 соат суткасига сув ҳаракати бўлади деб ҳисобланади.

#### VII. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

##### «Қорхона»

Бухоро сув таъминоти МТМ Бўғоро  
(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Бўғоро қишлоғи

Тел./факс:

Х/р: 2263400060305412322

Банк номи: Ипотека банк

МФО: 00018

ОКОНХ:

ИНН: 201513858

Раҳбар: Н. Содиқов

М.Ў:

##### «Истеъмолчи»

Бухоро тумани 13- ИДУМИ  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Галла осий шаҳри Фитрат кучаси 11 йу

Тел./факс: 54 24 750

ш/х: 100021860062077092300075002

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 202119190

ОКОНХ: 92310

Ҳазначилик бўлинмасининг номи: Бухоро тумани бўйича

Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна ҳ/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Бош бошқармаси АҚМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар: Холов П

МЗО:

М.Ў:

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:

Курбанов СС